

Тошкент ш.

30 март 2017 йил  
№ 6-18 “с”

г. Ташкент

**“Ўзметмашсаноат” касаба уюшмаси Республика Кенгаши  
Кубоги” республика мусобақасини ўтказиш тўғрисида”**

Корхона, ташкилот ва муассасаларда фаолият кўрсатаётган ходимларни спортнинг оммавий турларига кенг жалб этиш, улар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, шунингдек, турли касб касалликларидан спорт ва соғлом турмуш тарзи орқали муҳофаза қилиш мақсадида Ўзбекистон металлургия ва машинасозлик саноати тармоқлари ходимлари касаба уюшмаси Республика Кенгаши Раёсати

**ҚАРОР ҚИЛАДИ**

**1.** 2017 йилнинг апрель – май ойларида барча хуудлардаги тармоқнинг бошланғич корхона, ташкилот ва муассасаларида ходимлар ўртасида спортнинг шахмат, шашка турлари бўйича “Ўзметмашсаноат” касаба уюшмаси Республика Кенгаши Кубоги” республика мусобақаси ўтказилсин.

**2.** “Спортнинг шахмат ва шашка турлари бўйича “Ўзметмашсаноат” касаба уюшмаси Республика Кенгаши Кубоги” республика мусобақасини ўтказиш тўғрисидаги Низом 1-илова, Ташкилий қўмита таркиби 2-илова ҳамда харажатлар сметаси 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

**3. Республика Кенгаши масъул ташкилотчиси Ш.Бўтаев ва тармоқнинг бошланғич касаба уюшма қўмиталари раисларига:**

Мусобақани корхона, ташкилот ва муассасалар ҳамда вилоят босқичларини Низом асосида юқори савия ва байрамона руҳда ташкил этиш;

корхона, ташкилот ва муассасаларда ўтказиладиган мусобақаларда уларда ишловчи ходимларнинг фаол иштирокини таъминлаш;

ғолиблар учун эсдалик совғалар ва дипломлар тайёрлаш;

иштирокчиларнинг саломатлиги ва хавфсизлигини таъминлаш бўйича чора-тадбирлар белгилаш, бунда барча иштирокчиларнинг соғлом

эканлигини катъий назоратга олиш, хавфсизлик масаласига алоҳида эътибор қаратиш;

мусобақанинг вилоят ва республика босқичларига Низомда белгиланган спорт турлари бўйича, корхона – вилоят босқичида 1-ўринни эгаллаган ғолибларидан иборат жамоани шакллантириш ва хавфсизлигини таъминлаган ҳолда уларнинг келиб-кетиш харажатларини қоплаш;

корхоналарда ва вилоятларда ташкил этилган мусобақа якунлари бўйича маълумот ва фото репортажларни тадбир ўтгандан сўнг **уч кун** муддат ичида Республика Кенгашига (Д.Алимова)га тақдим этиш вазифалари юклатилсин.

**4.** Республика Кенгаши бош бухгалтери (Н.Ирматова)га тасдиқланган смета асосида белгиланган тартибда тегишли хужжатларни расмийлаштириш ва харажатларни Республика Кенгаши сметасининг “Жисмоний тарбия ва спорт тадбирлари” моддасидан қоплаш вазифаси топширилсин.

**5.** Республика Кенгаши мутахассиси (Д.Алимова)га мусобақанинг барча босқичларини “Ishonch” ва “Ishonch-Доверие” газеталари ва Кенгашнинг расмий “Веб-сайти”да чоп эттириш вазифаси юклатилсин.

**6.** Мазкур қарор ижросини назорат қилиш Республика Кенгаши раиси А.Хакулов зиммасига юклатилсин.

Республика Кенгаши раиси

А. Хакулов

## **Спортнинг шахмат ва шашка турлари бўйича “Ўзметмашсаноат” касаба уюшмаси Республика Кенгаши Кубоги” республика мусобақасини ўтказиш НИЗОМИ**

### **1. Умумий қоидалар**

“Ўзметмашсаноат” касаба уюшмаси Республика Кенгаши Кубоги” республика мусобақаси ҳаваскорлар учун мослашган шахмат ва шашка қоидалари асосида ўтказилади.

Мусобақада тармоқ тизимидаги бошланғич корхона, ташкилот ва муассасаларда фаолият кўрсатаётган ходимлардан иборат ҳаваскорлар иштирок этади.

Мусобақани ташкил этиш ва ўтказиш учун “Ўзметмашсаноат” касаба уюшмаси Республика Кенгаши Раёсати қарори билан Ташкилий қўмита таркиби тасдиқланади.

Мусобақалар бошланишидан олдин шахмат ва шашка ўйинларини бошқариш ва баҳолаш учун Ташкилий қўмита томонидан Бош ҳакам ва ҳакамлар рўйхати шакллантирилади.

### **2. Мақсад ва вазифалар**

Мусобақани ўтказишдан асосий мақсад ва вазифалар қуйидагилардан иборат:

Бошланғич корхона, ташкилот ва муассасаларда фаолият кўрсатаётган ходимларни спортнинг оммавий турларига қизиқтириш орқали меҳнат фаолияти самарадорлигини оширишга кўмаклашиш;

Бошланғич корхона, ташкилот ва муассасаларда фаолият кўрсатаётган ходимларни турли касб касалликларидан спорт ва соғлом турмуш тарзи орқали муҳофаза қилиш;

спорт ва жисмоний тарбия ходимлар кундалик иш жараёнининг бир бўлагини ташкил қилиши зарурлиги бўйича кўникмаларни шакллантириш;

аҳоли ва ёшларни жисмоний тарбия ва спортнинг оммавий турларига қизиқишларини кучайтириш.

### **3. Спартакиадани ташкил қилиш тартиби ва муддати**

Спартакиада **уч босқичда** ташкил этилади;

**I-босқич – 10 апрелдан 15 апрелгача** корхона, ташкилот ва муассасаларда тузилган ташкилий қўмиталар раҳбарлигида;

**II-босқич – 24 апрелдан 29 апрелгача** вилоятларда (вилоят биринчилиги) ва Тошкент шаҳрида ташкил этилган ташкилий қўмита раҳбарлигида;

**III-босқич – 12 май куни** Республика босқичи Тошкент шаҳрида бўлиб ўтади.

Мусобақани ўтказиш жойлари ташкилий қўмита томонидан белгиланади.

#### **4. Мусобақани ўтказишга раҳбарлик қилиш**

Мусобақани ўтказиш бўйича Ташкилий қўмита томонидан қуйидаги вазифалар амалга оширилади:

Мусобақаларни юқори савияда ўтказилишини назорат қилиш бўйича амалий раҳбарлик қилиш учун Ишчи гуруҳ тузиш ва унинг таркибига тармок ташкилотларининг вакилларини киритиш;

мусобақа натижалари тўғрисида ўзидан юқори турувчи ташкилий қўмиитага ташкил этилган спорт мусобақалари яқунлари бўйича Низомда белгиланган тартибда ғолиблар хужжатлари, маълумот ва фото репортажларни тадбир ўтгандан сўнг **уч кун муддат ичида** тақдим этиш;

тармок ташкилотлари билан биргаликда спорт мусобақалари иштирокчиларининг хавфсизлигини таъминлаш бўйича чораларини кўриш;

спорт мусобақаси иштирокчилар учун маданий тадбирлар ва ғолибларни рағбатлантириш ишларини амалга ошириш.

#### **5. Спартакиадада қатнашиш тартиби**

Барча босқичларда иштирокчилар рўйхати спартакиада ўтказилишидан камида **7 кун** олдин спорт турлари бўйича шакллантирилиб, Ташкилий қўмиитага тақдим этилиши шарт.

Спартакиада иштирокчилари Ташкилий қўмиитага рўйхат билан бирга қуйидаги хужжатларни тақдим қилади:

хар бир иштирокчининг шахсини тасдиқловчи хужжат нусхаси;

иш жойидан олинган маълумотнома;

Жамоа аъзоларининг рўйхати корхона, ташкилот раҳбари томонидан тасдиқланган бўлиши лозим.

Корхоналарда 1-ўринни эгалаганлар вилоят босқичида қатнашади. Вилоят босқичида 1-ўринни эгаллаганлар Республика босқичида иштирок этади.

Ғолиб иштирокчиларнинг хужжатлари **2017 йил 8 майгача** “Ўзметмашсаноат” касаба уюшмаси Республика Кенгашига тақдим этилиши шарт.

Мусобақаларда спорт усталари ва спорт мураббийларининг иштирок этишлари ман этилади.

Бош ҳакам ва ҳакамлар томонидан ёки мусобақалар жараёнида жамоа таркибида профессионал спорт билан шуғулланувчилар, спорт соҳасида мутахассис бўлган ёки ушбу ташкилотда ишламайдиган шахслар иштироки аниқланса, бутун жамоа мусобақадан четлатилади ва жамоага техник мағлубият ёзилади.

#### **6. Ғолиб жамоаларни тақдирлаш ва рағбатлантириш**

Мусобақанинг биринчи босқич якуни бўйича 1-,2-,3-ўрин ғолиблари бошланғич ташкилот касаба уюшмалари томонидан таъсис этилган совғалар ва дипломлар билан тақдирланади.

Мусобақанинг иккинчи босқичи танлов усулида бўлиб, иштирокчилар Республика босқичида ўз вилоятлари номидан иштирок этиш учун беллашадилар.

Мусобақанинг Республика босқичи ғолибларига Республика Кенгаши томонидан Кубок, совғалар ва дипломлар тақдим этилади.

## 7. Спартакиадани ўтказиш шартлари

Спартакиада доирасида мусобақалар ўтказиладиган спорт турлари ва улар бўйича жамоалар иштирокчилари сони қуйидагича белгиланади:

№	СПОРТ ТУРИ	ЭРКАК	АЁЛ	ЖАМИ
1.	Шашка	1	1	2
2.	Шахмат	1	1	2

**Шашка-** жамоа таркиби **2 кишидан** иборат (1 эркак ва 1 аёл), мусобақа шашка спорт тури бўйича белгиланган қоидалари асосида ўтказилади. Мусобақалар олимпия услубда ўтказилади. Партияда дурранг қайд этилса яна бир партия кўшимча ўйин берилади (ёки иштирокчиларнинг ўз хохишларига биноан ғолиб белгиланади) ва ғолиблар аниқланади.

**Шахмат-** жамоа таркиби **2 кишидан** иборат (1 эркак ва 1 аёл), мусобақа шахмат спорт тури бўйича белгиланган қоидалар асосида ўтказилади. Мусобақалар олимпия услубда ўтказилади. Партияда дурранг қайд этилса яна бир партия кўшимча ўйин берилади (ёки иштирокчиларнинг ўз хохишларига биноан ғолиб белгиланади) ва ғолиблар аниқланади.

*“Ўзметмашсаноат” касаба уюшмаси  
Республика Кенгашининг  
2017 йил “30” мартдаги  
6-18-сонли қарорига 2-илова*

**Спортнинг шахмат ва шашка турлари бўйича “Ўзметмашсаноат” касаба уюшмаси Республика Кенгаши Кубоги” республика мусобақасини ўтказиш бўйича Ташкилий қўмита**

**ТАРКИБИ**

Ш.Исроилов	«Ўзметмашсаноат» касаба уюшмаси Республика Кенгаши раиси ўринбосари, Ташкилий қўмита раиси
Д.Алимова	“Ўзметмашсаноат” касаба уюшмаси Республика Кенгаши мутахассиси, ташкилий қўмита раиси ўринбосари
Н.Ирматова	“Ўзметмашсаноат” касаба уюшмаси Республика Кенгаши бош бухгалтери
И.Қурбонов	“Ўзметкомбинат” АЖ касаба уюшма қўмитаси раиси
Ў.Мирзаев	“ЖМ-Ўзбекистон” АЖ касаба уюшма қўмитаси раиси
Ш.Бўтаев	“Ўзметмашсаноат” касаба уюшмаси Республика Кенгаши масъул ташкилотчиси
Б.Ибрагимов	“ТҚХТЗ” АЖ касаба уюшма қўмитаси раиси
М.Эгамбердиев	“Самавто” АЖ касаба уюшма қўмитаси раиси
Қ.Ибодуллаев	“ЖМ-Ўзбекистон” Хоразм филиали касаба уюшма қўмитаси раиси
М.Шарипов	“ЎзМинда” МЧЖ касаба уюшма қўмитаси раиси
Ж.Ихтияров	“Жиззах аккумулятор заводи” АЖ касаба уюшма қўмитаси раиси